

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 9 (512) 2006 йил 1 март

«ШИФОКОР» — САРМОЯНГИЗ ҲОМИЙСИ

АТ «Алоқабанк» тизимида «Ҳомийлар ва Шифокорлар йили» муносабати билан янги «Шифокор» деб номланган омонат тури жорий этилди. Унинг бошқа омонатлардан фарқи шундаки, унга фақат тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган ходимлар ёки тахсил олаётган талабалар ўз омонатларини қўйиши мумкин. Депозит ҳисобварақлари эса, мижознинг ишлаётганлиги ёки ўқиётганлиги тўғрисидаги маълумотнома кўрсатилганидан сўнг очилади.

Йиллик 36 фоизли мазкур омонатга қўйиладиган бошланғич бадал миқдори 100 минг сўм қилиб белгиланган. Омонатчи томонидан ҳар ой давомида талаб қилиб олинмаган фоизлар омонат суммасига қўшилиб боради, капиталлаштирилган қисмига фоизлар ҳисобланади. Омонатга

қўшимча бадаллар қўйиш ва омонатнинг қисман берилиши амалга оширилмайди.

Бугунги кунда «Алоқабанк»да мавжуд бўлган «Файзли» (35% ли), «Тухфа» (34% ли), «Бахтли болалик» (30% ли) каби бир неча омонатлар учун ҳисобварақ очган мижозлар сони 28463 нафарни ташкил этади. Омонатлар қолдиғи эса, 4361,5 млн. сўм бўлиб, уларнинг 327,6 млн. сўми аҳолининг «Талаб қилиб олгунча» депозитидан, 1732 млн. сўми жамғарма депозитларидан, 2276,2 млн. сўми мuddатли депозитлардан тушган ҳамда 25,7 млн. сўми пластик карточкалардаги қолдиқ сумма ҳисобланади.

Шунингдек, «Алоқабанк» ўз мижозларини хушнуд қилиш учун яна бир «Баҳор айёми» (36% ли) деб номланган омонатини тақлиф этади. 2006 йил 1 мартдан кучга кирадиган мазкур омонатга маблағ 3 ой мuddатга қўйилиб, тўпланган фоизлар омонат мuddати тугагач бериләди.

КРЕДИТ СИЁСАТИ — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Ёпиқ акциядорлик жамияти мақомига эга бўлган «Ўзбекистон - Туркия банк»и республикамизда ташкил этилган илк қўшма банклардан ҳисобланади. Бошланғич капитали асосан хорижий сармоя эвазига ташкил қилинган мазкур банкнинг бугунги кунда 4080 дан ортиқ мижозлари мавжуд.



Германия, Белгия, АҚШ ва Буюк Британия каби ривожланган давлатларнинг йирик банкларида ўз вакиллик ҳисобрақамларига эга бўлган «Ў-Т банк» да банклараро ҳисоб-китоб тизими яхши йўлга

қўйилган. Бу эса, «Ў-Т банк» нинг барқарорлигини таъминлаш борасида асосий омил саналади.

Банкнинг хорижий банклар билан қилаётган ҳамкорлиги, қолаверса, бошқа тижорат банклари қатори мижозлар учун сифатли хизмат кўрсатиши унинг бугунги рақобатли муҳитда ўз ўрнини топишига олиб келмоқда.

Хусусан, банкнинг кредит бўлими фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Банк ажратган қисқа ва узоқ мuddатли кредитлар юртимизда ишлаб чиқариш суръатини оши-

риш билан бирга аҳолининг маълум бир қисмини иш билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Бунга АҚШ, Россия ҳамда Ўзбекистон ҳамкорлигида ташкил этилган Тошкент труба заводи қўшма кор-

хонасининг фаолияти яққол мисол бўла олади. Пластмасса буюмлар ҳамда қувурлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган мазкур қўшма корхона ўз иш қўламини кенгайтириш мақсадида банкдан 237 млн. сўм миқдорида йиллик 8 фоизли кредит олган. Бу эса, ўз-ўзидан қўшма корхона кўраётган фойданинг бир неча баробарга ошишига олиб келади. Шунингдек, доришунослик билан шуғулланувчи «Омад нур фарм» хусусий корхонаси ҳам банкдан 100 млн. сўм миқдорида (йилига 25 фоиз) кредит олиб молиявий барқарорликка эришмоқда.

«Ў-Т банк» кредит бўлими бош мутасадиси Одилбек Раҳимовнинг айтишича, банкнинг шу даврга қадар жисмоний ва юридик шахслар учун ажратган кредитлар миқдори 2067,91 млн. сўмни ташкил этади. Шундан 564,4 млн. сўми халқ истеъмол моллари учун берилган бўлиб, қарзни мижоз 3 йил мuddат ичида (йиллик 16 фоизли) узиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, банк автоуловлар учун 528 млн. сўм, ишлаб чиқаришга 455 млн. сўм, савдо ва айланма маблағлар учун 212 млн. сўм ҳамда бошқа мақсадлар учун 308,5 млн. сўмлик маблағ ажратган.

Материалларни

Гулшан ЮСУПОВА тайёрлади.

БУ СОНДА:

2 Ислохотлар йўлида

3-4 Банклараро пул ресурслари электрон бозорида операциялар ўтказиш тўғрисида Низом

6-7 Кредит уюшмалари жамғармаларининг турлари ҳақида ахборот

Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 28 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиләди:

1 Австралия доллари	886,24
1 Англия фунт стерлинги	2093,34
1 Дания кронаси	190,96
1 БАА дирхами	326,83
1 АҚШ доллари	1200,38
1 Миср фунти	209,67
1 Исландия кронаси	18,06
1 Канада доллари	1045,08
1 Хитой юани	149,12
1 Кувайт динори	4110,75
1 Россия рубли	42,63
1 Украина гривнаси	237,70
100 Ливан фунти	79,97
1 Малайзия ринггити	323,29
1 Норвегия кронаси	176,97
1 Польша злотийси	378,31
1 Сингапур доллари	739,83
1 СДР	1723,25
1 Туркия лираси	911,66
1 Швеция кронаси	151,43
1 Швейцария франки	910,69
1 ЕВРО	1424,01
10 Жанубий Корея вони	12,40
10 Япония иенаси	103,53

*) Валюта қийматини белгиләш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийтини олмаган.

«УНИВЕРСАЛБАНК» — УНИВЕРСАЛЛИК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Иқтисодий ислохотларнинг жадаллиги ошган сари корхона ва ташкилотлар, молиявий муассасалар яшовчанлик хусусиятини сақлаб қолиш учун ўзига хос сиёсат олиб боришига тўғри келади. Бунда албатта банкнинг пухта стратегик сиёсати, ходимларнинг малака даражаси, мижозларга тақлиф этилаётган хизмат турларининг замон талабларига нақадар жавоб бера олиши аҳамиятли ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

«ЎЗПРИВАТБАНК»

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»КА ҚЎШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Ўзприватбанк» приватизация ва инвестиция бўйича ўзбек Халқаро банкни «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик-тижорат банкига бирлашишига розилик берди.

Республика Марказий банкнинг қарорига мувофиқ «Ўзприватбанк»нинг бирлашиши муносабати билан ундан банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Бош лицензия қайтариб олинди.


Банкларнинг бирлашиши тўғрисидаги қарор ҳар иккала банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қабул қилинган эди.

Марказий банк Матбуот хизмати.



АҚШ доллари ва евронинг ваколатли банклар томонидан айирбашлаш шохобчаларида 2006 йил 28 феврал ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1209,00	1215,00	1425,00	1445,00
«Асака» банки	1210,00	1215,00	1436,00	1441,00
«Ўзсаноатқурилишбанк»и	1210,00	1215,00	1426,00	1446,00
«Пахта Банк»	1213,00	1215,00	1439,00	1441,00
«Халқ банк»и	1213,00	1215,00	1425,00	1439,00
«Ипотекабанк»	1212,00	1215,00	1425,00	1435,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1207,00	1212,00	1431,00	1443,00
«ЎзДЭУбанк»	1205,00	1215,00	1437,00	1447,00
«Ғаллабанк»	1210,00	1215,00	1425,00	1444,00
«Трастбанк» АББ	1213,00	1215,00	1432,00	1442,00
«Алп Жамол банк»	1210,00	1215,00	1436,00	1442,00
«Алоқабанк»	1213,00	1215,00	1425,00	1446,50
«Ў-Т банк»	1213,00	1215,00	1425,00	1442,00
«Туронбанк»	1210,00	1215,00	1430,00	1440,00
«Равнақбанк»	1214,00	1215,00	1430,00	1450,00
«Савдогарбанк»	1210,00	1215,00	1425,00	1435,00
«Ипак йўли» банки	1210,00	1215,00	1435,42	1441,35
«Тадбиркорбанк»	1213,00	1215,00	1439,00	1441,00
«Туркистон» банк	1213,00	1215,00	1431,00	1433,00
«Даврбанк»	1210,00	1213,00	1435,00	1450,00
«Кредит-Стандарт» банки	1206,00	1215,00	1424,50	1440,00
«Капитал банк»	1213,00	1215,00	1424,10	1445,00
«Содерат банк»	1209,00	1215,00	1425,00	1445,00
«Хамкор» банк	1213,00	1215,00	1425,00	1445,00
«Универсалбанк»	1211,00	1215,00	1436,00	1441,00
«Парвинабанк»	1210,00	1212,00	1427,00	1437,00



Жамият турмуш тарзини енгилаштириш, қолаверса, банк ва савдо хизматларидаги пул маблағлари айланмасини яхши йўлга қўйиш мақсадида жорий этилган пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизими аҳоли орасида тобора оммалашиб бормоқда. Бу эса, мазкур воқеанинг кулай эканлигини билдириш билан бирга, унга бўлган эҳтиёжнинг кун сайин ўсиб боришини ҳам кўрсатади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мамлакатимиздаги барча тижорат банклари ушбу электрон ҳисоблаш тизимини мамлакат миқёсида такомиллаштириш бўйича самарали ишларни амалга оширомоқда. Бунга АТ «Пахта Банк» нинг халқ манфаати йўлидаги ишлари яққол мисол бўла олади.

Хусусан, банкда ҳисобот йилида микропроцессорли пластик карточкаларга асосланган нақдсиз тўлов тизимини ривожлантириш борасида эътиборга молик ишлар қилинди.


«Пахта Банк» сўм карточкасининг ишлаш механизми юксак даражадаги телекоммуникацияни талаб қилмайдиган «DUET» дастурий таъминотида уланган. Ҳозирги кунда банк пластик карточкали хизмат турини нафақат Тошкент шаҳрида ва вилоят марказларида, балки туман марказлари ҳамда қишлоқ жойларида ҳам ташкил этишни режалаштирди. Мазкур дастур орқали мижозларга таклиф қилинадиган сўм карточка «смарт технологияси» асосида ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг тўлиқ хавфсизлиги банк

АҲОЛИ МАНФААТИ УЧУН

томонидан таъминланган.

Барча вилоят бошқармаларининг «DUET» тизимида бош қатнашчи сифатида, филиалларнинг эса операцияларнинг сифатида ишлашлари тўлиқ йўлга қўйилган. Олиб борилган ишлар натижасида 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига 440 мингдан ортиқ пластик картлар жисмоний шахслар ўртасида жойлаштирилди. Шунингдек, 1550 та савдо терминали аҳоли гавжум жойларда жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилди. Ушбу терминаллар орқали ҳозирги кунда аҳолидан коммунал, савдо-сотик ва бошқа хизмат турлари учун тўловлар қабул қилинмоқда.

2005 йилнинг 31 декабр ҳолатига мавжуд пластик картларга 19 млрд. 23 млн. сўм маблағ жалб қилинган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,2 баробарга кўпдир. Қолдиқ маблағ эса, 3 млрд. 615 млн. сўмга етказилди. Шундан 4 млрд. 624 млн. сўмлик нақд пулсиз ҳисоб-китоблар савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали амалга оширилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 баробарга ошди. Хусусан, терминаллар орқали ҳисоб-китоблар ҳажмини ҳар ойда олдинги ойга нисбатан 300 млн. сўмга ошириб боришга эришилди.



Шунингдек, «Пахта Банк» 2006 йилда аҳолининг пластик карточкалардан фойдаланишига бўлган қизиқишларини янада кучайтириш, аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларида ўрнатилган терминаллар сонини оширишни рағбатлантириш учун дисконт дастурларини жорий этиш ва бонуслар ташкил қилишни режалаштирган.

Бундан ташқари, банк кредит карточкаларини янада кенгроқ жорий қилиш ҳамда уни аҳолининг муайян ижтимоий қатламларига имтиёзли равишда тақдим этишни мақсад қилиб қўйган.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

БАНКЛАРДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

Яқинда «Банк ахборотномаси» газетаси таҳририяти Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳузуридаги Олий бизнес мактаби Корпоратив бошқарув маркази билан биргаликда «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув» мавзусида семинар ташкил этди. Семинар ишида республика Марказий банки вакиллари, тижорат банкларининг мутахассислари, Банк-молия академиясининг ўқитувчилари, КБМ тингловчилари қатнашди.

Маълумки, банклар корпоратив бошқарув ёрдамида ўз бизнесининг мақсадини белгилайди, барча манфаатдор шахсларнинг нуктаи назарини ҳисобга олади, бизнеснинг ишончилигини ҳамда муайян меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мослигини таъминлашга ҳаракат қилади.

Реал секторда иш олиб борадиган акциядорлик жамиятларидан фарқли ўлароқ, банкларда мулкдорлар билан менежерлар ўртасидаги муносабатлар анча мураккаб кечади. Бундан ташқари, банк пасивлари анча хатарли бўлиб, бу ҳол кўпдан-кўп омонатчиларнинг ишончига боғлиқ.

Шу сабабли, семинар қатнашчилари республика банк тизимида корпоратив бошқарув принципларини жорий этишнинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, ўз чиқишларини айнан мана шу мавзуга бағишладилар. Семинарда қуйидаги мавзуларда маърузалар қилинди: «Базел II: банкларда корпоратив бошқарувга қўйилаётган янги талаблар» (Н. Обломуродов, «Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси директори), «Корпоратив бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари» (Р. Яушев, Бозор ислохотларини чуқурлаштириш илмий тадқиқот институти директорининг ўринбосари), «Корпоратив бошқарув рейтингини» (М. Бўтабоев, Корпоратив бошқарув маркази методология, нашриёт ва консалтинг фаолияти бўлимининг бошлиғи), «Ўзбекистон тижорат банкларида корпоратив бошқарув кодексларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муаммолари» (М. Ҳамидулин, Банк-молия академияси «Инвестиция лойиҳаларини молиялаш» кафедрасининг мудирини) ва бошқалар.

Семинар материаллари асосида тайёрланган энг қизиқарли мақолалар газетамиз саҳифаларида эълон қилинади.

Мунаввар РАЗЗОҚОВА.

«УНИВЕРСАЛБАНК» – УНИВЕРСАЛЛИК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Молия бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб, бу борада кўзга кўринарли ижобий натижаларга эришишга улғуриб бўлган очиқ турдаги акциядорлик жамияти Универсал тижорат банки 2002 йил ўрталаридан бери Кўқон шаҳрида фаолият юритади. Банк таркибида 9 та мини-банк, ва Амалиёт бўлими Тошкент шаҳри филиали аҳолига турли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Барчамизга маълумки, иқтисодий мустаҳкамлаш, ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш учун кичик бизнес ва тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш тижорат банклари зиммасидаги асосий вазифадир. Шу сабабли ҳар бир тижорат банкининг ўзига хос кредит сиёсати мавжуд. Универсал банк ҳам 2005 йил якунларига кўра, саноат (33333,3 минг сўм), қишлоқ хўжалиги (220226,8 минг сўм) транспорт (275000,0 минг сўм), тижорат (400600,0 минг сўм) соҳалари ва бошқа тармоқларга (1123728,3 минг сўм) жами 929800,0 минг сўм кредит ажратган. Ҳисобот йил бошига кредитлар қолдиғи 1869864 минг сўмни ташкил этган бўлса йил якунида ушбу рақам 2052888,2 ни кўрсатди. Кредит сиёсатининг тўғри

амалга оширилгани ҳамда кредит хатарларини бошқариш тажрибаси юқори бўлгани сабабли ҳам банк йил давомида кредитлаш амалиётини 466812 минг сўм даромад олган. Ўтган йилда берилган кредитларнинг 814700,0 минг сўми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан, 115100,0 минг сўми нобюджет ташкилотлар томонидан берилган. Чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш бошқармаси томонидан хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиш бўйича жами суммаси 6312,4 минг АҚШ доллари миқдоридидаги 16 та импорт шартномаси ва 793,0 минг АҚШ доллари миқдоридидаги 3 та экспорт шартномаси тузилиб, улар орқали банкка 1114,2 минг сўм миқдоридида хизмат ҳақи келиб тушган.

Маълумки, банк хизматларини кўпайтириш, хорижий банклар билан алоқани яхшилаш нафақат банк фаолияти доирасини кенгайтиради, балки унинг салоҳиятини ҳам оширади. Шу боис ҳам банк юридик ва жисмоний шахсларга кенг кўламда хизмат кўрсатиш мақсадида Россия банклари орасида юқори рейтингга эга Сбербанк билан АҚШ доллари ва Россия рублида вакиллик алоқаларини ўрнатди. Бу эса Россия ҳудудидаги барча нукталарда хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт ва импорт операция-

ларини амалга ошириш, жисмоний шахсларнинг пул маблағларини жўнатиш ҳамда қабул қилиш учун катта имкониятларни яратди.

Бундан ташқари, банк Австрия давлатининг RZB банки билан АҚШ доллари ва еврода вакиллик алоқаларини ўрнатган. Ўзбекистон Республикасида эса Алп Жамол Банк, Капитал банк, Ипак Йўли банклари билан ўзаро телекс орқали пул жўнатиш ҳамда пул қабул қилиш операциялари йўлга қўйилди.

Валюта операциялари ҳақида сўз кетганда яна шуни таъкидлаш лозимки, ўтган 2005 йилда банкнинг Амалиёт бошқармасида 1 та ва Тошкент филиалида 1 та Western Union пул жўнатиш тизими бўйича филиал тўлиқ ишга туширилди ҳамда Тошкент филиали орқали 8256,00 АҚШ доллари миқдоридидаги операциялар амалга оширилди. Бундан ташқари худди шу бўлимларда валюта айирбошлаш шохобчалари ҳам жиҳозланиб ишга туширилди. Ўтган йилда Амалиёт бошқармасининг валюта айирбошлаш шохобчаси орқали 2410,00 АҚШ доллари ва Тошкент филиалининг валюта айирбошлаш шохобчаси орқали 1915,00 АҚШ доллари жалб қилиниб, 16600,00 АҚШ доллари миқдоридидаги нақд пул сотилган.

Эъзоз КАМОЛОВА.

2006 йил 21 февралдан 27 февралгача бўлган даврда АҚШ долларининг миллий валюталарига нисбатан курсидаги ўзгаришлар*



1 АҚШ доллари

Россия Федерацияси

21.02.2006 й.да - 28,15 росс. рубли
22.02.2006 й.да - 28,19 росс. рубли
23.02.2006 й.да - 28,18 росс. рубли
27.02.2006 й.да - 28,16 росс. рубли

Украина

21.02.2006 й.да - 5,0500 гривна
22.02.2006 й.да - 5,0500 гривна
23.02.2006 й.да - 5,0500 гривна
24.02.2006 й.да - 5,0500 гривна

Беларус Республикаси

21.02.2006 й.да - 2151,25 бел. рубли
22.02.2006 й.да - 2151,00 бел. рубли
23.02.2006 й.да - 2150,00 бел. рубли
24.02.2006 й.да - 2150,00 бел. рубли
27.02.2006 й.да - 2151,50 бел. рубли

Эстония

21.02.2006 й.да - 13,1298 крона
22.02.2006 й.да - 13,1197 крона
23.02.2006 й.да - 13,1136 крона
24.02.2006 й.да - 13,1186 крона
27.02.2006 й.да - 13,1872 крона

Латвия

21.02.2006 й.да - 0,5839 лат
22.02.2006 й.да - 0,5837 лат
23.02.2006 й.да - 0,5832 лат
24.02.2006 й.да - 0,5837 лат
27.02.2006 й.да - 0,5867 лат

Литва

21.02.2006 й.да - 2,8963 лит
22.02.2006 й.да - 2,8962 лит
23.02.2006 й.да - 2,8939 лит
24.02.2006 й.да - 2,8953 лит
27.02.2006 й.да - 2,9093 лит

Қирғизистон Республикаси

25.02.2006 й.да - 41,4660 сом

Тожикистон Республикаси

21.02.2006 й.да - 3,2101 сомоний
22.02.2006 й.да - 3,2107 сомоний
23.02.2006 й.да - 3,2112 сомоний
24.02.2006 й.да - 3,2122 сомоний

Молдова

21.02.2006 й.да - 12,9411 лей
22.02.2006 й.да - 12,9443 лей
23.02.2006 й.да - 12,9488 лей
27.02.2006 й.да - 12,9596 лей

Туркменистон

18.11.2004 й.да - 5200,00 манат

Қозғистон Республикаси

21.02.2006 й.да - 131,02 тенге
22.02.2006 й.да - 131,02 тенге
23.02.2006 й.да - 130,51 тенге
24.02.2006 й.да - 130,15 тенге
27.02.2006 й.да - 130,13 тенге

Швейцария

21.02.2006 й.да - 1,3099 швейц. франки
22.02.2006 й.да - 1,3078 швейц. франки
23.02.2006 й.да - 1,3085 швейц. франки
24.02.2006 й.да - 1,3085 швейц. франки
27.02.2006 й.да - 1,3181 швейц. франки

Япония

21.02.2006 й.да - 118,67 япон иенаси
22.02.2006 й.да - 118,57 япон иенаси
23.02.2006 й.да - 117,18 япон иенаси
24.02.2006 й.да - 116,67 япон иенаси
27.02.2006 й.да - 115,94 япон иенаси

1 Англия фунт стерлинги

Буёқ Британия
21.02.2006 й.да - 1,7426 АҚШ долл.
22.02.2006 й.да - 1,7453 АҚШ долл.
23.02.2006 й.да - 1,7491 АҚШ долл.
24.02.2006 й.да - 1,7522 АҚШ долл.
27.02.2006 й.да - 1,7439 АҚШ долл.

1 евро

Евроминтақа
21.02.2006 й.да - 1,1915 АҚШ долл.
22.02.2006 й.да - 1,1919 АҚШ долл.
23.02.2006 й.да - 1,1930 АҚШ долл.
24.02.2006 й.да - 1,1922 АҚШ долл.
27.02.2006 й.да - 1,1863 АҚШ долл.

* Долларнинг мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан курси марказий (миллий) банкларнинг расмий хабарлари ва «REUTERS» тизими маълумотлари асосида берилди.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги
томонидан 2006 йил 11 январда
рўйхатга олинди
№ 1535

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2005 йил 26 ноябрда
26/5-сонли қарори билан
тасдиқланган
№619

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ ҚАРОРИ

2005 йил 26 ноябр

№ 26/5

Тошкент ш.

Пул ресурсларининг банклараро электрон бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги ҳамда "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Пул ресурсларининг банклараро электрон бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом" иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

**Марказий банк
Раиси**

Ф.М.МУЛЛАЖОНОВ

Банклараро пул ресурслари электрон бозорида операциялар ўтказиш тўғрисида Низом

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги, "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги ПП-56-сонли "Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарорига мувофиқ, шунингдек, келгусида пул-кредит сиёсати инструментларини такомиллаштириш, самарали фаолият кўрсатадиган пул бозорини яратиш, Ўзбекистон Республикасида банклараро пул ресурслари бозор фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини шакллантириш мақсадида банклараро электрон бозорида Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ва чет эл валютасида пул ресурсларини жойлаштириш ва/ёки жалб этиш бўйича электрон савдолар ўтказиш тартибини, шунингдек, молия бозори кўрсаткичларини шакллантиришни белгилайди.

1. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги таърифлар ва терминлар қўлланилади:

банклараро пул ресурслари электрон бозори (кейинги матнда БЭБ) - электрон савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш орқали банклараро депозит ва/ёки кредитларни жойлаштириш ва жалб этиш учун банкларга шароитлар яратувчи электрон бозор;

иштирокчи - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва БЭБда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда мазкур Низомга мувофиқ битим тузувчи Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланган тижорат банки;

қарз олувчи - пул ресурсларини банклараро кредитлар ва/ёки депозитлар шаклида жалб этувчи иштирокчи;

кредитор - пул ресурсларини банклараро кредитлар ва/ёки депозитлар шаклида таклиф этувчи иштирокчи;

битим - БЭБда миллий ва/ёки чет эл валютасида иштирокчилар томонидан келишилган шартлар асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ пул ресурсларини банклараро кредитлар ва/ёки депозитлар шаклида жалб этиш ва/ёки жойлаштириш бўйича битим;

маъмур (администратор) - БЭБнинг самарали фаолият кўрсатиши учун яратиладиган инфраструктура кичик бўлими;

дилер - БЭБда иштирокчи томонидан музокаралар ўтказиш ва битимлар тузиш ваколати берилган ва унинг номидан иш олиб боровчи ходим;

контрагент - БЭБда битим тузувчи иштирокчилардан бири;

тўлов санаси - битим шартларига мувофиқ қарз олувчи ҳисобварақларига пул маблағлари ўтказилиши лозим бўлган иш куни. Қарз олувчининг вакиллик ҳисобварағидан кўчирма нусха пул маблағлари ўтказилганлигига тасдиқ ҳисобланади;

кредит (депозит) бериш санаси - битим шартларига мувофиқ қарз олувчининг вакиллик ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилиши лозим бўлган иш куни;

кредит (депозит)ни қайтариб бериш санаси - битим шартларига мувофиқ асосий қарз суммаси пул маблағлари кредит берувчининг вакиллик ҳисобварағига ўтказилиши лозим бўлган иш куни;

фоизлар тўлаш санаси - битим шартларига мувофиқ ҳисобланган фоизлар суммаси кредит берувчининг вакиллик ҳисобварағига ўтказилиши лозим бўлган иш куни;

ҳисоб-китоблар муддати кечиктирилиши юзага келиши санаси - тўлов санаси, кредит (депозит)ни қайтариш санаси, фоизларни тўлаш санасидан кейинги иш куни;

кечиктирилган қарз - кредит берувчига белгиланган муддатда қайтарилмаган асосий қарз ва/ёки ҳисобланган фоизлар суммаси;

тасдиқнома - битим тузилганлигини тасдиқловчи, унинг муҳим шартлари, шунингдек, зарур бўлганда, одатда шунга ўхшаш ҳужжатларга банк амалиётига мувофиқ киритиладиган ҳар қандай бошқа шартлар кўрсатилган ҳолда SWIFT тизими орқали факс, телекс ёки бошқа шаклда жўнатилган оддий ёзма ахборотга тенглаштирилган ахборот;

маркет-мейкер - кўрсаткичлар шаклланишида иштирок этувчи банк;

индикаторлар - миллий валютада пул ресурсларини жалб этиш ва жойлаштириш учун маркет-мейкерлар томонидан эълон қилинган ставкалар асосида ҳисобланадиган БЭБнинг ўртача фоиз ставкалари;

котировка (ставка) - иштирокчининг БЭБда пул ресурсларини жалб этиш ва/ёки жойлаштириш бўйича йиллик фоиз ставкаси;

фиксинг - маълум муддат ва санага бўлган фоиз ставкаларининг қайд этилган миқдори;

овернайт — бир иш кунига тенг бўлган минимал муддатга кредитнинг (депозитнинг) фоиз ставкаси;

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги матнда - Марказий банк) миллий валюта барқарорлигини таъминлаш мақсадида пул массаси ва кредит ресурслари умумий ҳажмини тартибга солиш учун БЭБда иштирок этади.

3. БЭБда операцияларнинг қуйидаги турлари амалга оши-

рилади:

а) Марказий банк кредитларини жойлаштириш ва Марказий банкка тижорат банкларнинг депозитларини жалб этиш;

б) банклараро кредитлар ва/ёки депозитларни жойлаштириш;

в) банклараро кредитлар ва/ёки депозитларни жалб этиш.

4. БЭБда банк фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган ва Марказий банкнинг тижорат банки ликвидлигини бошқариш борасидаги низоми талабларига жавоб берадиган тижорат банклари иштирок этишлари мумкин.

5. Маъмур қуйидагиларни таъминлайди:

БЭБда операцияларни ўтказишни;

бўш пул маблағлари тўғрисида ахборотни йиғиш ва таҳлил қилишни;

иштирокчилар томонидан қоидаларга риоя этишни тартибга солишни;

доимий равишда ҳисоб-китоб қилинадиган индикаторларни шакллантириш ва мунтазам суратда чоп этишни;

шакллантирилган индикаторларнинг иштирокчиларнинг бевосита фойдаланиши учун очиқлигини;

иштирокчиларнинг ўз савдо терминаллари ва телекоммуникация воситаларидан ташқари, иштирокчилар ихтиёрига техник ва дастурий воситалар мажмуини тақдим этишни;

барча иштирокчилар учун бир хил иш шароитларини ташкил этишни;

ахборот махфийлигини;

оммавий ахборот воситаларида савдо ўтказиш шартлари ва тамойилларини ёритиб беришни;

иштирокчилар орасида ўтказилган савдолар натижасини, ахборотнинг махфийлигини таъминланиши шарти билан, эълон этишни

БЭБ конъюнктурасининг таҳлилин ва унинг прогнозини тайёрлайди.

БЭБда савдоларни соддалаштириш, тизимлаштириш ва марказлаштириш мақсадида маъмур тегишли дастурий таъминотни ва маълумотлар базасини (кейинги матнда - ДТМБ) ишлаб чиқади.

6. БЭБда иштирок этиш учун иштирокчилар ДТМБни ўрнатиш бўйича битимга ҳамда «Пул ресурсларининг банклараро электрон бозорида савдо ўтказиш умумий шартлари тўғрисида»ги Бош келишувни (кейинги матнда - Бош келишув) имзолашлари зарур бўлади.

7. Иштирокчилар БЭБда ДТМБ, телекс ёки бошқа телекоммуникацион каналлар орқали битимлар тузган дилерлар ваколатлари учун барча жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар. Барча ўрнатилган қоидаларга амал қилинган ҳолда битим амалга оширилганидан кейин, ушбу шахснинг иштирокчи номидан битим тузиш ваколатига эга бўлмаганлиги ҳақида далилларнинг келгусида аниқланиши бундай битимни қалбаки деб тан олиш учун асос бўлиб ҳисобланиши мумкин эмас.

8. Контрагентлар иштирокчининг ҳар қандай ходими барча ўрнатилган қоидаларга амал қилинган ҳолда бажарилган ҳаракатларини иштирокчининг ўзи учун юридик оқибатга олиб келувчи ҳаракатлар сифатида баҳолаши, ва бинобарин, бундай ҳаракатларни амалга ошириш натижасида вужудга келган эътирозни иштирокчининг ўзига даъво қилиш ҳуқуқига эгалар.

9. Иштирокчининг ҳар бир ходими БЭБда операцияларни амалга оширишда қуйидагиларга риоя этиши шарт:

а) иштирокчи ўзининг ва мижозларининг манфаатларига амал қилиши, битим амалга оширилишида унинг ўзи манфаатдор шахс сифатида тан олиниши ёки иштирокчининг мижозлари манфаатларига ё унинг ўзига салбий таъсир этиши мумкин бўлган битимларни тузмаслиги;

б) ўзининг холис позициясини ифода этилишига салбий таъсир бериши мумкин бўлган битимга доир ҳар қандай манфаати тўғрисида ўз раҳбарига хабар бериши. Ходим ўзи манфаатдор шахс сифатида тан олиниши мумкин бўлган амалга оширилган ёки режалаштирилган битимларга доир ахборотни раҳбариятга маълум қилиши.

10. Иштирокчилар операцияни ўз ҳисобидан амалга оширганда битимлар бўйича ўз контрагентларининг кредитга лаёқатлигини баҳолаш учун тўла жавобгар бўладилар.

11. Иштирокчиларга қуйидагилар ман этилади:

а) бошқа иштирокчиларга уларнинг бозор муносабатини ўзгартириш мақсадида бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиш;

б) қуйидаги сохта битимларни тузиш:

иккита ва ундан кўпроқ ўзаро муқобил йўналишдаги иштирокчилар ўртасида олдиндан келишилган, тахминан бир хил суммаларга ҳамда деярли бир хил нарх бўйича, одатда, уларнинг бажарилиши назарда тутилмаган ва мақсади савдонинг нарх кўрсаткичларини кўтариш (пасайтириш) бўлган битимни;

иккита иштирокчи ўртасида олдиндан келишилган нарх бўйича, бозор конъюктурасига яққол тўғри келмайдиган ва мақсади савдонинг нарх кўрсаткичларини кўтариш (пасайтириш) бўлган битимни;

натижада пул маблағлари олдинги эгасининг қўлида қоладиган, лекин ушбу иштирокчиларнинг БЭБда фаоллиги тўғрисида фикр яратадиган битимлар сериясини;

в) БЭБда тузилган битимлар бўйича ҳисоб-китобни амалга оширишни рад этиш;

г) БЭБда вужудга келадиган бозор ҳолатига таъсир этиш мақсадида атайин нотўғри ахборотни тарқатиш;

д) маъмурга ва бошқа иштирокчиларга ноаниқ ёки нотўғри ахборотни тақдим этиш;

е) маъмурга бозор конъюктураси шаклланишига сезиларли даражада таъсир этиши мумкин бўлган ахборотни тақдим этмаслик (яшириш).

12. Дилерлар БЭБга доир шарҳларда иштирок этишлари, маълум давр учун битимларни амалдаги баҳолари динамикаси тўғрисида маълумот тарзидаги ахборотини тақдим этишлари мумкин.

II. Банклараро пул ресурслари электрон бозорида операциялар ўтказиш тартиби

1. БЭБда операциялар ўтказиш шартлари

13. Маъмур ДТМБда ишлаш учун иштирокчиларни икки босқичли логин ва парол билан таъминлайди. Биринчи босқичли логин ва парол фақат дилернинг бевосита бошлиғига маълум бўлади. Биринчи босқичли парол иштирокчининг савдо терминалини активлаштириш ҳуқуқини беради. Ҳар бир дилер ДТМБга кириш учун фойдаланадиган ўзининг иккинчи босқичли хос (уникал) паролига эга бўлади. Маъмур ҳар 6 ойда биринчи босқичли паролни ўзгартиради, иккинчи босқичли паролни эса ҳар 3 ойда ўзгартиради ва ушбу ўзгариш тўғрисида маълумотни конвертга солиб, муҳрланган ҳолда фақат дилернинг бевосита бошлиғига шахсан топширади.

14. Иштирокчилар тузиладиган битимнинг қуйидаги асосий шартларини батафсил келишиб олишлари ва тасдиқлашлари шарт:

а) банклараро кредитлар ва/ёки депозитлар, Марказий банк кредити ва тижорат банкларининг Марказий банкка жалб этиладиган депозити (кейинги матнда - кредит ва/ёки депозит) суммасини;

б) кредитлар ва/ёки депозитлар валютасини;

в) кредитларни ва/ёки депозитларни бериш муддатини (дастлабки ва сўнгги тўлов саналарини);

г) кредитлар ва/ёки депозитларни қайтариш муддатларини;

д) фоиз ставкасини;

е) фоизларни тўлаш тартиби ва муддатларини;

ж) битимга доир тўловларни амалга ошириш бўйича йўриқномаларни;

и) иштирокчиларнинг битим бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим бўлган равишда бажармаганлиги учун жавобгарлиги.

15. Пул ресурсларини БЭБда жойлаштириш ва/ёки жалб этиш иш кунларида маҳаллий вақт билан соат 9.00 дан соат 18.00.гача ўтказилади.

16. Иштирокчи ўз ходимларига ўз ҳисобидан ва ўз номидан операцияларни амалга ошириш учун ишончномалар бериш масаласини фақат иштирокчи, унинг мижозлари ва контрагентлар манфаатларига суиистеъмом ва зарар етказишнинг олдини олиш борасида тегишли чоралар ишлаб чиқилганидан кейин кўриб чиқиши лозим.

17. Иштирокчилар ўз савдо хоналарига бегона шахслар киришини чеклашлари ва назорат қилишлари шарт. Дилерлар бошқа иштирокчининг савдо хонасидан битим тузишлари ва бирон-бир иш таклифларини беришлари мумкин эмас. Дилерларнинг бир-бирларининг савдо хоналарига киришлари фақат икки иштирокчи раҳбариятининг рухсати олинганидан кейин мумкин бўлади.

18. Иштирокчининг контрагентлар билан муносабатларида мазмуни мазкур Низомда ифода этилган БЭБда битимларни

амалга оширишнинг стандарт қоидалари қўлланилади.

Стандарт қоидалар қўлланилмаган БЭБнинг дастаклари (инструментлари) бўйича иштирокчилар орасида музокара олиб боришда битим шартлари ва ҳужжатларни тайёрлаш батафсил келишиб олинади.

19. Иштирокчи контрагент билан битимни амалга оширишдан олдин қуйидагилар бўйича аниқ ишонч ҳосил қилиши лозим:

а) ДТМБнинг тизим коди ёки телекс автожавоби орқали контрагентни тўғри танлаб олганлигига;

б) иштирокчи томонидан танланган контрагент учун лимитнинг эркин қолдиғи мавжудлигига;

в) ўз ходимларининг ваколатларга эгаллигига (котировканинг энг кўп (максимал) суммасига лимитлар қисмида, очиқ позиция миқдори ҳажми ва ҳ.к.)

г) контрагент билан имзоланган Бош келишув мавжудлигига.

20. БЭБда битим тузишда иштирокчилар аниқ профессионал тилни ҳамда ҳамма қабул қилган терминологияни қўллашлари шарт. Айрим махсус терминлар иштирокчилар томонидан бир хил маънода тушунилади.

21. Иштирокчи дилерларнинг битимни тузиш ва аниқ профессионал терминологиядан фойдаланиши учун уларнинг жавобгарликларини таъминлаши шарт.

Иштирокчи дилерларнинг операцияларни амалга ошириш пайтида уларнинг ҳаракатлари устидан назорат бўйича ички тартиблар, шунингдек, БЭБ талабларига мувофиқ унинг қайта тайёрлаш тизимини ўрнатиши керак.

22. Савдо хонаси («фронт-офис»нинг) ҳамда битимлар ҳисоб-китобини ва ҳисобини амалга оширадиган бўлинма («бэк-офис») бошқа-бошқа хоналарда жойлаштирилиши шарт.

Иштирокчи «фронт-офис» ва «бэк-офис» ходимларининг функционал мажбуриятлари тўлиқ равишда ажратилган, шунингдек, тузилган битимлар бўйича тасдиқномалар бевосита «бэк-офис» ходимлари томонидан жўнатиладиган ва олинладиган тартибни ўрнатиши лозим.

Иштирокчи «бэк-офис» ходимларининг турли хизмат бўйсинувини, ҳисоботнинг вертикаллигини, ходимларни, дилерларнинг иш натижасидан қатъи назар, рағбатлантириш тизимини ўрнатиши лозим.

23. Иштирокчининг «бэк-офис»и иштирокчининг «фронт-офис»и томонидан тузилган битими бўйича ёзма ёки электрон тасдиқномани жўнатади, шунингдек, контрагентдан олинган ушбу битим бўйича ёзма ёки электрон тасдиқномани текширади.

Дилер томонидан битим тузилганидан кейин, битимга доир ёзма тасдиқнома иккала иштирокчи томонидан контрагентнинг «бэк-офис»и адресига жўнатилиши лозим.

Иштирокчининг «бэк-офис»и аниқ валюта битими бўйича контрагентдан ёзма ёки электрон тасдиқнома олганидан кейин, тасдиқнома зудлик билан батафсил текширилиши лозим. Агар контрагентдан олинган тасдиқномада дилер томонидан тузилган битим шартлари ўртасида фарқ мавжуд бўлса, иштирокчининг «бэк-офис»и ходимлари фарқни бар-тараф этиш мақсадида зудлик билан контрагентнинг «бэк-офис»и ходимлари билан музокара олиб бориш орқали янги тасдиқнома ёки фарқни тўғрилаш учун ундан ёзма равишдаги розилик олиш мақсадида барча зарур чораларни кўришлари лозим.

Агар «бэк-офис» томонидан битим бўйича ёзма тасдиқнома олинмаса, тасдиқнома олмаган иштирокчи контрагентнинг «бэк-офис»идан зудлик билан ёзма тасдиқномани сўраши ва уни олишга эришиши зарур.

«Бэк-офис» томонидан битим қайта тасдиқланганда ёки тасдиқнома қайта жўнатилганда операцион хатоликларга йўл қўймаслик учун «икки маротаба ҳисобга олишдан сакланинг» деган белги қўйилади.

2. Банклараро пул ресурслари электрон бозори индикаторлари

24. Маъмур кўрсаткичларни ҳар бир иш куни учун ишлаб чиқилган ҳисоб-китоб методикаси бўйича маркет-мейкерлар томонидан эълон қилинадиган миллий валютадаги пул ресурсларини жалб этиш ва жойлаштириш ставкалари асосида шакллантиради.

25. Маркет-мейкерлар рўйхати, қоида тариқасида, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси томонидан уларнинг молиявий ҳолатига, кредитга лаёқатлигига, ишбилармонлик об-рўсига, фаолиятининг рейтинг баҳосига, БЭБдаги фаоллигига, банклараро битимлар бўйича тажрибага эгаллигига кўра

белгиланади ва унга Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланган 16 та тижорат банклари киради. Маркет-мейкерлар рўйхати маъмур томонидан доимий равишда, лекин 1 йилда камида бир маротаба қайта кўриб чиқилади.

26. Ҳар бир маркет-мейкер Ўзбекистон Банклар ассоциациясини қабул қилинган қарор тўғрисида камида 3 иш куни олдин хабардор қилган ҳолда ставкаларни эълон қилишни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

27. Бирон-бир банк ставкаларни эълон қилишни тўхтатиб қўйган ҳолда, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси ушбу банкни алмаштириш бўйича чоралар кўради ва амалга оширилган алмаштириш ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали ахборот беради.

28. Ўзбекистон Банклар ассоциацияси маркет-мейкерларни қуйидаги ҳолларда рўйхатдан чиқаради:

а) агар маркет-мейкер норепрезентатив котировкаларни ўрнатса (котировкалар олдинги котировкадан 50%га юқори ёки паст бўлмасликлари лозим);

б) агар маркет-мейкер мазкур Низом билан ўрнатилган ўз мажбуриятларини бажармаса;

в) инсофсиз хатти-ҳаракатлари тўғрисида бошқа иштирокчилар томонидан асосланган шикоятлар тушса.

29. Маркет-мейкерлар томонидан эълон қилинган ставкалар фақат индикатив ахборот ҳисобланади. Уларнинг чоп этилиши маркет-мейкерларга БЭБда аниқ битимлар тузиш бўйича ҳеч қандай мажбурият юкламайди. Бунда маркет-мейкерлар томонидан эълон қилинган ставкалар норепрезентатив бўлмаслиги ва уларнинг амалдаги имкониятларига боғлиқ бўлиши лозим.

30. Қуйидаги индикаторлар ўрнатилади:

UZIBOR - (Uzbekistan Interbank Offered Rate) маркет-мейкерларнинг миллий валютадаги таклифларининг ўртача ставкаси бўлиб, у 4 та энг юқори (юқори квартали) ва 4 та энг паст (қуйи квартали) ставкаларини чиқариб ташлаган ҳолда, қолган 8 та ставкалар суммасини 8 га бўлиш йўли билан ҳисобланди.

UZIBID - (Uzbekistan Interbank Bidding Rate) маркет-мейкерларнинг миллий валютадаги жалб этиш ёки талабининг ўртача ставкаси бўлиб, у пул маблағларини сотиб олишга доир 4-та энг юқори (юқори квартали) ва 4-та энг паст (қуйи квартали) ставкаларини чиқариб ташлаган ҳолда, қолган 8-та ставкалар суммасини 8-га бўлиш йўли билан ҳисобланди.

UZIAR - (Uzbekistan Interbank Average Rate) UZIBOR ва UZIBID ставкалари ўртасидаги ўртача миқдор (медиана).

UZIBOR ва UZIBID индикаторлари маркет-мейкерлар томонидан эълон қилинадиган ставкалар асосида пул ресурсларини жалб этиш ва жойлаштиришнинг қуйидаги стандарт муддатлари бўйича ҳисобланади:

овернайт;

1 ҳафта;

1 ой;

2 ой;

3 ой;

6 ой;

9 ой;

12 ой.

Пул ресурсларини жалб этиш ва жойлаштиришнинг муддатлари савдо ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

31. Индикаторларни аниқлаш учун маркет-мейкерлар ҳар иш куни ДТМБ орқали маъмурга маҳаллий вақт билан соат 9.00.дан соат 11.30. оралиғида барча белгиланган стандарт муддатлар бўйича маҳаллий вақт билан соат 9.00 га бўлган ҳолатига кўра, пул ресурсларини жалб этиш ва жойлаштириш ставкасини ўз ичига киритилиши лозим бўлган ўзларининг котировкаларини тақдим (эълон) қилишлари лозим.

32. Котировкалар миқдори йиллик фоизларда валюта турига кўра икки ўнлик белгидан кам ва олтига ўнлик белгидан кўп бўлмаган аниқликкача кўрсатилади.

33. Индикаторлар фиксинги (ҳисоби) уларнинг маҳаллий вақт билан соат 11.30. га бўлган ҳолатидаги котировкалар асосида амалга оширилади. Маркет-мейкерлар эълон қилган котировкалар ўсиб (камайиб) бориши тартибида кўрсатилади, юқори ва қуйи кварталлар олиб ташланади, қолганлардан эса ўртача арифметик ҳисоблаш учун фойдаланилади. Техник сабабларга кўра фиксинг имкони бўлмаган ҳолларда, индикаторларни шакллантириш учун маркет-мейкерларнинг охириги котировкалари ўлланилади.

34. Маъмур маркет-мейкерлар рўйхатини, шунингдек,

индикаторлар тўғрисидаги ахборотни маъмур веб-сайтида, ДТМБда ва Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситаларида чоп этилишини амалга оширади.

3. Битим тузиш тартиблари

35. БЭБда операциялар иштирокчининг савдо хонасида иш вақтида амалга оширилиши лозим.

36. Иштирокчи ўзига мос контрагентни танлайди ва у билан битимнинг барча шартларини махфий равишда келишиб олади.

37. Пул ресурсларини жойлаштириш (жалб этиш) тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, иштирокчилар контрагентнинг молиявий ҳолатини, унинг Марказий банк нормативларига риоя қилишини ўрганишлари мумкин.

38. БЭБда тузиладиган битим шартлари иштирокчилар томонидан ҳар бир аниқ ҳолда дилерлар ўртасида ДТМБ ёки бошқа алоқа воситалари орқали музокаралар олиб бориш орқали белгиланади.

39. Иштирокчиларнинг дилерлари томонидан битимлардаги барча шартлар бўйича келишувга эришилган вақтдан бошлаб битим тузилган ҳисобланади.

40. Қоғозга чоп этилган ДТМБ бўйича музокаралар иштирокчилар томонидан оддий ёзма равишдаги шаклга эга бўлган ҳужжат ва битим тузилганлиги ҳамда тегишли битим бўйича иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари вуҷудга келиши далили сифатида тан олинади.

41. Иштирокчилар тузиладиган битим шартларини келишиб олиш учун уларнинг ўртасида ўтказилган барча музокараларни ёзиб боришлари мумкин.

42. Битим тузилгандан кейин, иштирокчилар битим тузилгандан кейинги куннинг якунига қадар шартли равишда бир-бирларига, агар битим тузилган сана билан унинг тўлов санаси мос тушган ҳолда - битим тузилган вақтдан бошлаб 2 соат мобайнида, лекин маҳаллий вақт билан соат 15.30. дан кечиктирилмаган ҳолда, битимнинг асосий шартлари тасдиқномасини мажбурий тартибда жўнатишлари шарт.

43. Иштирокчилар ДТМБ, SWIFT тизими, телекс ёки бошқа электрон алоқа турлари орқали олинган битим тузилганлиги тўғрисидаги тасдиқномани ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган, битим тузилганлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат сифатида тан оладилар.

44. Агар тасдиқномаларда мазкур Низомга мувофиқ тузилган битимнинг муҳим шартларига доир фарқ аниқланса, ушбу фарқни аниқлаган иштирокчи зудлик билан бошқа томонга музокаралар жараёнида келишилган битим шартлари ҳамда тасдиқномаларда кўрсатилган шартлар орасида фарқ мавжудлиги тўғрисидаги фактни хабар қилади.

Томонлар тузилган битим ҳамда ёзма равишдаги тасдиқномалар шартлари орасида аниқланган фарқларни бартараф этиш, шу жумладан, тузатиш тасдиқномаларини жўнатиш йўли билан чораларни кўрадилар.

4. Битимлар бўйича тўловларни амалга ошириш тартиблари

45. Тузилган битимлар шартларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича тўловлар, томонлар ўртасида келишилган сумма миқдорида, белгиланган тўлов санасида ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

46. Кредитни (депозитни) қайтариш муддати келганида, қарз олувчи кредиторга кредитни ва/ёки депозитни, битим тузишда келишилган қайтариш санасида, ўз тўлов топшириқномаси билан асосий қарз ва у бўйича ҳисобланган фоизларни қайтариши шарт. Кредиторнинг вакиллик ҳисобварағига маблағларни амалда ўтказиш санаси пул ресурсларини қайтариш санаси ҳисобланади.

47. Жалб этилган пул ресурслари бўйича фоизлар қарз олувчи томонидан, агар иштирокчилар томонидан битим тузишда бошқача белгиланмаган бўлса, ҳар ойда тўланади. Фоизлар ҳисобланишида дастлабки ва якуний тўлов саналари бир кун деб ҳисобланади.

48. Фоизларни ҳисоблаш йилдаги мавжуд календар (шартли равишда 365 кунга тенг деб қабул қилинган) кунлари ҳисобидан келиб чиққан ҳолда дастлабки тўлов санасидан бошлаб якуний тўлов санасигача бўлган давр учун амалга оширилади, бунда дастлабки тўлов санаси ва якуний тўлов санаси бир кун деб ҳисобланади.

49. Битимлар бўйича тўловлар битим тузишда иштирокчилар томонидан келишилган валютада амалга оширилади.

50. Келишилган валютада тўловларни амалга ошириш бўйича барча харажатлар тўловни амалга оширувчи иштирокчи томонидан тўланади.

51. Агар битимни ижро этиш санаси дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, ушбу сана дам олиш ёки байрам кунидан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

52. Агар олинган маблағлар суммаси қарздорликнинг барча (кредитнинг (депозитнинг) суммаси, у бўйича ҳисобланган фоизлар ҳамда тўловни муддатидан кечиктирилганлик учун пеня) суммасини тўлаш учун етарли бўлмаса, қарз олувчи биринчи навбатда тўловни муддатидан кечиктирилганлиги учун пеня, кейин эса фоизларни тўлайди, қолган сумма эса тақдим этилган кредит (депозит) бўйича асосий қарзни тўлаш учун жўнатилади.

53. Пул ресурсларини муддатидан олдин қайтариш фақат иштирокчиларнинг ўзаро розилиги мавжуд бўлганда амалга оширилиши мумкин. Бунда қарзни муддатидан олдин тўловчи қарздор қарз қайтарилиши мўлжалланган кундан бир кун олдин иккинчи томонга билдиришнома жўнатади. Агар пул ресурслари кредиторнинг розилигисиз муддатидан олдин қайтарилса, кредитор қарз олувчидан битим тузишда иштирокчилар томонидан келишилган пул маблағлари жойлаштирилишининг бутун муддати учун ҳисобланган фоизларнинг тўлиқ ҳажмини тўлашини талаб этиш ҳуқуқига эга.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

54. Иштирокчиларнинг битим бўйича мажбуриятларнинг бажармаслиги ёки лозим бўлган тарзда бажармаслиги учун жавобгарлиги иштирокчилар ўртасида Бош келишув тузиш жараёнида келишиб олинади.

55. Ҳар бир иштирокчи тақдим этган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгардир. Нотўғри ахборот бериш мазкур Низомни кўпол равишда бузиш ҳисобланади ва нотўғри маълумотлар тақдим этиш фактини ушбу иштирокчининг тижоратда ишончсиз эканлигига далил сифатида эълон қилишга асос бўлиб ҳисобланиши мумкин.

56. Иштирокчиларга Марказий банкнинг меъёрий талабларига риоя этиш учун жавобгарлик иштирокчиларнинг ўз зиммаларига юклатилади.

III. Ахборот махфийлиги

57. БЭБда амалга ошириладиган операциялар тўғрисидаги ахборот махфий ҳисобланади.

Мазкур Низомга мувофиқ томонлар бир-бирига берадиган, битимни амалга ошириш билан боғлиқ барча ахборотлар, шу жумладан, тузилган битим бўйича тасдиқномалар томонлар томонидан махфий деб тан олинади. Бундай ахборотларни, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ва органларга тақдим этиш ҳолларини мустасно этган ҳолда, муҳокама этиш ва тўлиқ ёки қисман ошкор этиш мумкин эмас.

Иштирокчилар битимга доир махфийликни сақлаш учун жавобгар бўладилар.

Томонлар махфий ахборотни иккинчи томоннинг ёзма розилиги мавжуд бўлган тақдирда ошкора этиш ҳуқуқига эгалар.

58. Ахборотни қабул қилиш-топширишда, шунингдек уни қайта ишлашда муҳофаза этилишини таъминлаш электрон-ҳисоб-китоб тармоқларида ахборотни муҳофаза этиш бора-сидаги Марказий банк талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

59. БЭБда иш олиб бориш жараёнида ёки унинг натижасида олинган махфий ахборотдан фойдаланиш иштирокчининг олиб борадиган тегишли фаолияти билан чекланиши лозим. Иштирокчи ҳам, унинг бирон-бир ходимлари ҳам бундай ахборотдан ўзларининг шахсий манфаатлари учун ёки даромад олиш воситаси сифатида фойдаланишлари ёки фойдаланишга руҳсат беришлари мумкин эмас.

IV. Савдо натижаларини чоп этиш


60. Маъмур савдолар натижаси бўйича ҳисобот ва расмий ахборот тайёрлайди ва у расмийлаштирилганидан кейин оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

61. Савдолар натижаси тўғрисидаги расмий ахборот куйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- а) савдо ўтказиш санаси;
- б) савдонинг умумий ҳажми ва кредитларни ва депозитларни жойлаштириш (жалб этиш) муддатлари;
- в) савдолар натижалари асосида аниқланган пул ресурслари учун минимал ва максимал фоиз ставкаси;
- г) савдода иштирок этган банклар сони;
- д) тижорат ёки бошқа сир бўлмаган ахборот.

V. Якуний қоида

62. Томонлар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур Низом талабларига риоя этиш учун жавобгардирлар.



Ҳазрати ИНСОН



Ҳар бир инсон ўз олдига аниқ мақсад қўйиб яшайди... Кимдир умрининг охиригача илмий изланишлар қилиб олим бўлади, кимдир хунар ўрганиб уни етти авлодига тарғиб қилади. Яна кимдир эса, ҳаёти давомида маҳалла, қўни-қўшнилар ва жамоасига холисона хизмат қилиб, эл-юрт хурматида бўлади.
Бугун биз ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон мана шундай улугъ фазилат эгаси, банк соҳасининг ҳақиқий фидойиси Нигмат ака ТўЛАГАНОВдир.

- Отам Нурмат бобо (ҳозир 95 ёшда-лар) математика-физикадан дарс берганлари учун бу фанлардан баҳоим «5» эди, - деб эслайди Нигмат ака суҳбат чоғида. - Шу боис 1966 йил ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент Молия институтига ўқишга кирдим.

Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақшдир, деб бежиз айтмаган доно халқимиз. Устозларининг ўғитларини дастуруламал қилиб олгани туфайли ўз касбининг моҳир устасига айланган Нигмат ака бугунги кунда ҳар қандай манаман деган банк ходимини йўлда қолдиради.

Бизнинг бу гапимизга Халқ банкининг Шайхонтоҳур филиали бошқарув раиси Миржалол ака Йўлдошев қўшилиб

жумладан шундай дейди:

- Биласиз, бизнинг соҳамизда кадрлардан назарий салоҳиятдан ташқари ҳалоллик ва босиқлик талаб этилади. Нигмат акадай олижаноб инсонлар бармоқ билан санокли даражада. У киши мансаб-парастлик, манмансираш, ўз лавозимидан шахсий манфаати учун фойдаланиш каби иллатлардан бутунлай холидир.

Нигмат ака ҳақиқатан ҳам чуқур билимли ва кўп йиллик амалий тажрибага эга инсон. Республика Халқ банкининг Шайхонтоҳур филиалига қарашли 132-шоҳобчада қарийб 34 йилдан буён ишлаб келмоқда. Шу давр мобайнида амалиёт ўташ учун келган шогирдларга соҳанинг ёзилган ва ёзилмаган сирларидан дарс берди. Биз учун меҳ-

нат буюк ҳуқуқ ва буюк бурч, дейди устоз ўз шогирдларига. У киши ёш кадрларга сабоқ беришда яшашда ҳам, фаолиятда ҳам ҳуқуқ қуролинг, бурч эса соф виждонинг бўлсин, шундагина ҳалоллик биниси ўз-ўзидан бунёд бўлади, деб уқтирадилар.

Нигмат акадан бугун «Тахтапул» маҳалласининг аҳолиси миннатдор. - Бугунги кунда бу кишидек ҳақиқий фидойи инсонларни топиш қийин. Нигмат ака иш вақти тугаса ҳам мижозлар раъйига қараб ишлайдилар. Айниқса, қарияларга нафақа, 2 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар пулларини ҳамда ижтимоий ёрдам таъминотларини бериш вақтида бу одамни уйдан топиш амри маҳол, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Суръат ака Исмоилов.

Катта бир оиланинг тўнғич фарзанди эдим, дея суҳбатни давом эттиради қаҳрамонимиз. Ортимдан яна 11 нафар бола эргашаётганини ҳис қилиб, уларга ўрнатқучи учун ўз иродамни ўзим чархлаб борганман. Отамнинг дасти, онамининг кучи бўлиб, ука-сингилларимга ғам-хўрлик қилдим.

Бу дунёда ҳамма нарсанинг ўз ўлчами бор. Шунингдек, бахтиёрлик ҳам чегараси билан қадрли. Инсонларнинг умри давомида қийинчиликларни бошидан кечириши ҳам табиий ҳодисадир. Нигмат ака бошига тушган кулфатларни бундан баттари ҳам бўлиши мумкин-ку, дея сабр билан енгади. Бу у кишининг яна бир янги фазилатини кашф этади. Сабрли бўлиш. - Айтадилар-ку, сабр ҳар қандай куч-қувватдан ҳам қудратли, деб, - таъкидлайди у киши. - Ҳаракат қилиш керак, фақат бо-

рига қаноат билан.

Нигмат ака ўз мижозларига ғамхўр, қарияларга ўз ота- онасидек, ёшларга ўз фарзандларидек муносабатда бўлади. 81 ёшли нафақахўр Қумрихон ая ҳикоя қиладилар:

- Раҳматли турмуш ўртоғим ўз маошларидан орттирган пулларини Нигматжон ишлайдиган банк омонатида сақлар эди. 1986 йил 5 март куни тўсатдан вафот этдилар. Ўзингиз биласиз, бундай ҳолларда одамнинг боши гангиб, нима қиларини билмай қолади. Ана шу мусибатли кунларимизда Нигматжон ёрдам қўлини чўзди. У кишининг саъй-ҳаракатлари туфайли васият қилиб қолдирган омонатларни тезликда олиб таъзия маросимларини ўтказдик.

Бугунги кунда Халқ банкининг Шайхонтоҳур филиалига қарашли 132-сонли шоҳобчасида 19 мингдан ортиқ омонатчилар мавжуд. Улар хоҳлаган пайтда ўз пулларини банкдан олиб, кўзлаган мақсадлари учун ишлатиб келмоқда. Нигмат акадек инсон эса доимо уларнинг хизматида.

Суҳбат чоғида биз қаҳрамонимизнинг оиласи ҳақида ҳам қизиқдик. Шунда у кишининг фарзандларини ҳам худди ўзидек ҳалол, мулоҳазали инсон, деб тасаввур қилдик. Ахир, боғнинг қандай мева бериши боғбонга боғлиқ, деган гаплар бежиз айтилмаган.

Нигмат аканинг тинчлик бўлса бас, менинг ҳаётда армоним йўқ, дея жўнгина билдирган фикрлари эса бизда у кишига нисбатан чинакам ҳавас ҳиссини уйғотди.

**Шавкат НАЗАРОВ,
Назира МАВЛОНОВА.**

ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎЗЛАШТИРИЛМОҚДА

Британиянинг Travelex корпорацияси хусусий шахсларга молиявий хизматлар кўрсатиш бўйича нобанк муассасалар орасида дунёда энг йирик оператор бўлиб, ўзининг пул жўнатмалари тизимини яратган. Корпорация ўз маҳсулотини Ўзбекистон бозорига муваффақиятли олиб кирган. Компаниянинг пресс-релизида ана шу ҳақда хабар берилди.

Ўзбекистонда ушбу корпорациянинг вакили Trust Monet Transfer (TMT MKT) молия-кредит ташкилотидир.

Республикада пул жўнатиш сервиси - Travelex ишга туширилганидан кейин (2005 йил март) компания мамлакатнинг йирик банклари билан бир қатор битимлар имзолади. Ушбу банклар жумласига "Халқ Банк"и, "Пахта Банк", "Трастбанк", "Асакабанк", "Туронбанк" кирди.

"Туркистон-пресс" НААга Travelex ваколатхонасидан хабар беришларича, ҳозирги вақтда пул жўнатмалари соҳасидаги хизматлар мамлакатнинг бутун ҳудудида ҳамкор банкчилар фили-

аллари тармоғи орқали кўрсатилмоқда. 2006 йил 1 феврал ҳолатига хизмат кўрсатиш пунктларининг сони 155 тага етган. Улар Ўзбекистоннинг кўпчилик шаҳарларида ва йирик туман марказларида жойлашган бўлиб, бу ҳол мижозлар учун тизимдан фойдаланишда қулай шароит яратади.

Travelex корпорацияси Ўзбекистон пул жўнатмалари бозорига мижозлар учун жозибали бўлган "1000 АҚШ доллари учун 1 АҚШ доллари" деган шior билан кириб келди. Бу 1000 АҚШ дол-

ларини жўнатганлик учун 1 АҚШ доллари миқдорига ҳақ олинишини аниқлатади. Республикада олти ой ичида компания аҳоли учун рақобатбардош, ижтимоий йўналтирилган, бозор эҳтиёжларини қондирадиган тарифлар яратиш йўлида яна бир қадам ташлади. Яъни 2005 йил 1 октябрдан бошлаб тарифлар пасайтирилиши эълон қилинди - жўнатилаётган пул суммаси кўпайган тақдирда мижоздан олинандиган ҳақ анча камаяди.

Ҳозир Travelex компанияси фақат чакана бозордагина ишлаб қолмасдан, шу билан бирга корпоратив мижозларга ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Мутахассислар айтишича, ҳозирги кунда Travelex энг янги, тез, хавфсиз ва ишончли халқаро пул жўнатиш тизимларидан биридир. Икки йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ишлаб келаётган бу тизимга 138 та давлат қўшилди.

Travelex тизимининг реал вақт режимидаги тезкор халқаро пул жўнатмалари хавфсизлик борасидаги барча талабларга жавоб беради, чунки OFAC, AUSTRAC & European List тизимларида мувофиқлик синовидан ўтади ва бу ҳол банкларни хатарлардан ҳимоялайди.

ОМОНАТ — ИККИ ТАРАФЛАМА ДАРОМАД

Тижорат банкларида хусусий мижозлар билан иш олиб бориш жараёнини жамғарма ва омонатларсиз тасаввур этиш қийин. Ҳар бир банк ўз омонатларини жорий этишда уларнинг қулайлиги, икки тарафлама даромадлиги ҳамда кафолатлилигини таъминлашга алоҳида эътибор беради.

АТ "Ўзсаноатқурилишбанк" аҳолининг банкларда пул маблағларини сақлашдаги манфаатдорлигини ошириш ва бу билан банк ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2005 йил давомида "Наврўз", "Шодлик", "Мадад", "Фойдали", "Сармоя", "Эффект", "Олтин куз", "Танлов", "Барака", "Янги йил тухфаси", "Байрам совғаси" номли муддатли ва жамғариладиган юқори даромад берувчи омонатларини жорий этди.

Натижада, аҳолининг миллий валютадаги омонат қолдиқлари 2005 йил бошига нисбатан 2006 йил 1 январ ҳолатига 34284,4 млн. сўмга ошди ва жами омонат қолдиғи 73726,3 млн. сўмни ташкил этди.

Муддатли ва жамғариладиган омонатларнинг салмоғи умумий аҳоли омонатларида 81,4 фоизни ёки 60027,5 млн. сўмни ташкил этади.

Лайло АЗИЗОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА ДАВЛАТ ҚИСКА МУДДАТЛИ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИНГ САВДО НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА 2006 ЙИЛ 20 ФЕВРАЛДАН 24 ФЕВРАЛГАЧА

БИРЖА АХБОРОТИ

Рўйхатга олиш рақами	Сўндириш санаси	Номинал (сўмда)	Айланиш (дона)	Айланиши (сўм)	Битимлар баҳоси			Буюртма баҳоси		Епилишдаги котировка	
					Ўртача	Минимал	Максимал	Минимал сотиш	Максимал олиш	Сотиш	Олиш
23077UMFS	10.05.2006	1000	5	4 925,00	98,50	98,50	98,50	98,50	98,50	93,06	
23079UMFS	02.08.2006	1000	5	4 775,00	95,50	95,50	95,50	95,50	95,50	93,97	
24076UMFS	05.04.2006	1000	5	4 950,00	99,00	99,00	99,00	99,00	99,00		
24078UMFS	03.05.2006	1000	5	4 925,00	98,50	98,50	98,50	98,50	98,50		
24079UMFS	05.07.2006	1000	5	4 775,00	95,50	95,50	95,50	95,50	95,50		
24081UMFS	17.01.2007	1000	5	4 500,00	90,00	90,00	90,00	90,00	90,00		
Жами:			30	28 850,00							

Маълумот ЎзРВБ фонд бўлими томонидан тақдим этилди.



КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА 2006 ЙИЛ 1 ЯНВАР ҲОЛАТИГА АХБОРОТ*

№	Махсулот номи	Муддати	Йиллик фойз ставкаси	Минимал миқдори (сўм.)	Изоҳ
"Шердор" (Самарқанд ш.)					
	Жамғарма депозитлар				
1	Жамғарма		9,6%	1 000	
2	Махсус (автомашина)	36 мес.	3%	1 000	
	Муддатли депозитлар				
3	Ёрдам	3-12 мес.	24-36%	400 000	
4	Сюрприз	3 мес.	18%	300 000	
5	Сюрприз (юрлик шахслар учун)	3 мес.	24-36%	300 000	
6	Мадад	3-12 мес.	18-30%	300 000	
7	Мадад (юрлик шахслар учун)	3-12 мес.	24%	300 000	
8	Жамғариладиган депозит	3-12 мес.	12-36%	100 000	
9	"Договорный"	3-12 мес.	30%	300 000	
10	Капитал плюс	6-12 мес.	30-36%	100 000	
11	Пенсионный	12 мес.	36%	100 000	
12	Кредит уюшмалари учун	1-6 мес.	24%	100 000	
"Умид" (Бухоро ш.)					
1	Жамғарма депозитлар		13,2-21,6%	-	
	Муддатли депозитлар				
2	3 ойлик	3 мес.	24%	-	
3	6 ойлик	6 мес.	30%	-	
4	9 ойлик	9 мес.	33,6%	-	
5	Йиллик	12 мес.	34%	-	
MCU (Наманган ш.)					
1	Жамғарма депозитлар		10-18%	-	Тўлаш шартлари шартномага мувофиқ, фойзлар ойда бир марта ёзилди
"Ласточка" (Навоий ш.)					
	Жамғарма депозитлар				
1	"Экспресс-6"		6%	100	
2	Ожидаемый				Омонатга фойзлар ёзилмайди, омонат биринчи талаб билан берилди
3	Выпускник	3-12 мес.	18%	5 000	Фойзлар муддат охирида тўланади
	Муддатли депозитлар				
4	Ласточка	12 мес.	30%	5 000	
5	Престижный-2	9 мес.	27%	5 000	Жисмоний шахслар учун, фойзлар хар ойда тўланади
6	Подарочный	6 мес.	24%	5 000	
7	Саломатлик	3 мес.	21%	5 000	
8	Даромад	2 мес.	18%	5 000	
9	Нихол	1 мес.	12%	1 000	
10	Особый-7	6 мес.	23%	5 000	Фойзлар хар ойда тўланади
11	Капитал-15	12 мес.	15%	100 000	Юридик шахслар учун, фойзлар хар ойда тўланади
12	Новогодний-2006	12 мес.	36%	5 000	
13	Севиш-2006	12 мес.	33%	5 000	Жисмоний шахслар учун, фойзлар хар ойда тўланади
"Ишонч" (Жиззах ш.)					
	Жамғарма депозитлар				
1	Жисмоний шахслар учун		18%	5 000	
2	Юридик шахслар учун		18-24%	5 000	
3	Хаж		20%	5 000	
	Муддатли депозитлар				
4	Сармоя	12 мес.	38%	50 000	Омонат юридик шахслар учун
5	Меҳр-муруват	12 мес.	42%	5 000	
6	Келажак	3 мес.	24%	5 000	
7	Имкон	12 мес.	36%	50 000	Фойзлар хар ойда тўланади
8	Ишонч	6 мес.	30%	5 000	
9	Тухфа	12 мес.	38%	50 000	Фойзлар хар ойда тўланади
"Таянч" (Наманган ш.)					
	Жамғарма депозитлар		7-12%	5 000	
1	Қишлоқлик				Омонатчининг хошиёга қараб, коммунал ва бошқа хизматларга тўловлар ўтказилади, хизмат учун 1% олинади
2	Муддатли депозитлар	3-12 мес.	18-36%	25 000	
"Хазина" (Самарқанд ш.)					
1	Жамғарма депозитлар		18%	5 000	
	Муддатли депозитлари				
2	Хазина	3 мес.	30%	50 000	Фойзлар муддат тугагач тўланади

3	Бизнес	6-12 мес.	36%	200 000	Фойзлар хар ойда тўланади
4	Ишонч	6-12 мес.	40%	500 000	Фойзлар хар ойда тўланади
5	Давр	6-12 мес.	38%	500 000	Фойзлар хар ойда тўланади
"Маладор" (Андижон ш.)					
	Жамғарма депозитлар				
1	Жисмоний шахслар учун		12%	5 000	
2	Юридик шахслар учун		6%	5 000	
	Муддатли депозитлар				
3	Жисмоний шахслар учун	1-3 мес.	36%	40 000	
4	Юридик шахслар учун	12 мес.	30%	50 000	
"Барака" (Тошкент ш.)					
1	Жамғарма депозитлар		8-12%	25 000	Фойзлар хар ойда тўланади
2	Аниқ мақсадли жамғариладиган депозит		16-24%	25 000	Фойзлар хар ойда тўланади
3	Муддатли депозитлар	6 мес.	24-36%	50 000	Фойзлар хар ойда тўланади
"Бухоро тадбиркори" (Бухоро ш.)					
1	Жамғарма депозитлар		5%	10 000	
	Муддатли депозитлар				
2	Қафолат	12 мес.	42%	10 000	
3	Ташаббус	6 мес.	42%	10 000	
4	Сихат-саломатлик	12 мес.	36%	10 000	
5	Яхши ният	6 мес.	36%	10 000	
6	Имкон	12 мес.	39,6%	10 000	
7	Наврўз	12 мес.	32,4%	10 000	
8	Қувонч	12 мес.	30%	10 000	
9	Офарин	6 мес.	30%	10 000	
10	Рамазон	12 мес.	38%	10 000	
"Kapital Union" (Тошкент ш.)					
1	Махсус жамғариладиган депозит	12-60 мес.	20-30%	10 000	Депозит муддати кредит муддатига мос
	Муддатли депозитлар				
2	Муддатли депозит "1"	6 мес.	8-20%	100 000	
3	Муддатли депозит "2"	9 мес.	8-24%	100 000	
4	Муддатли депозит "3"	12 мес.	8-28%	100 000	
5	Муддатли депозит "1"	6 мес.	8-20%	500 000	
6	Муддатли депозит "2"	9 мес.	8-24%	500 000	
7	Муддатли депозит "3"	12 мес.	8-28%	500 000	
"Олтин водий" (Қўқон ш.)					
	Жамғарма депозитлар				
1	Олтин водий		24%	-	
2	Юридик шахслар учун депозитлар		36%	-	
	Муддатли депозитлар				
3	Депозитлар	2-18 мес.	38-48%	20 000	
"Омид" (Гулистон ш.)					
	Жамғарма депозитлар				
1	Балогат		16-22%	5 000	Маълум ёшга етгунча, Омонатчи томонидан тўлдирилиши мумкин
	Муддатли депозитлар				
2	Барака	9 мес.	18-38%	25 000	Фойзлар хар ойда тўланади
3	Наврўз	3 мес.	14-30%	25 000	Максимал миқдори депозит портфели суммасининг 25 % игача
4	Хазина	12 мес.	24-42%	25 000	Омонатлар нақд пулда ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади
5	Мадад	6 мес.	16-34%	25 000	Омонатлар нақд пулда ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади
"Аср" (Андижон ш.)					
	Жамғарма депозитлар				
1	Соғлом авлод		24%	2 000	
2	Тезкор		24%	10 000	
	Муддатли депозитлар				
3	Ҳамкорлик	3-12 мес.	20%	3 000	
4	Мақсад	3-6 мес.	36%	10 000	
5	Мустақиллик 4	6-12 мес.	36%	10 000	
6	Наврўз	6-9 мес.	40-42%	10 000	
7	Хазина	12 мес.	42%	10 000	
8	Қафолат	12 мес.	40%	10 000	
"Финанс плюс" (Тошкент ш.)					
1	Депозит-1	3-12 мес.	48%	100 000	
2	Депозит-2	3-12 мес.	36%	500 000	

*Фақат кредит уюшмалари аъзолари учун




Table with columns for bank name, deposit type, term, interest rate, and amount. Includes sections for 'Авиценна' (Бухоро ш.), 'Нурафшон' (Фаргона ш.), 'Азия Траст' (Тошкент ш.), and 'Имкон' (Тошкент ш.).

Table with columns for bank name, deposit type, term, interest rate, and amount. Includes sections for 'Университет' (Тошкент ш.), 'Инъом' (Жиззах ш.), and 'Фаровон' (Термиз ш.).

КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЯКУН ЯСАЛДИ

Ўзбекистон Кредит уюшмалари ассоциацияси Ўзбекистонда АҚШ Халқаро тараққиёт агентлигининг (USAID) молиявий ёрдамида амалга оширилаётган Ўзбекистондаги жамғарма кредит уюшмаларини ривожлантириш лойиҳаси (WOCSSU/Ўзбекистон) мададида кредит уюшмаларининг 2005 йилдаги, шунингдек 2006 йил январ ойидаги фаолиятига яқун ясади.

Республикадаги 19 та кредит уюшмаси бўйича 2005 йилнинг миқдор кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: КУ аъзоларининг умумий сони - 32728 шахс, жами активлар миқдори - 7,3 млрд. сўм. 2006 йил 31 январ ҳолатига 20 та КУ бўйича умумий активлар 7,9 млрд. сўмни ташкил қилди, депозитлар ва пай бадаллари суммаси 6,87 млрд. сўмга, берилган кредитлар суммаси 6,7 млрд. сўмга етди. Аъзолар сони 33017 нафар шахсни ташкил этди.

2005 йил IV чораги учун махсус танловларнинг голиблари ҳам эълон қилинди:

- "Энг яхши бухгалтерия бўлими" - "Авиценна" КУ;
- "Энг яхши кредит бўлими" - "Нурафшон" КУ;
- "Энг яхши ижрочи раҳбарлар" - "Нурафшон" КУ.

Кредит уюшмалари раҳбарларининг йиғилишида WOCSSU/Ўзбекистон лойиҳасининг раҳбари Нормундс Мизис натижалар ва Лойиҳани янада ривожлантириш стратегияси билан таништирди.

Кредит уюшмалари олаётган фойдани ошириш мақсадида йиғилиш иштирокчиларига 2005 йилда кредит уюшмаларида жорий этилган ва қўлланилган энг самарали воситачилик ҳақларининг шарҳи

ҳам тақдим этилди. Ўрганилган тажрибани ҳисобга олиб, КУларда бундан буён ҳам воситачилик йиғимлари тизимини жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, кредит уюшмалари томонидан ахборотни ошқор қилишнинг ҳамда амалга оширилаётган маркетинг тадбирларини мониторинг қилиш механизмнинг модел тадбирлари тақдими бўлиб ўтди. WOCSSU/Ўзбекистон лойиҳаси "Нурафшон", "Аср", "Олтин водий", "Осиё Траст", "Ишонч" кредит уюшмалари билан узоқ муддатли битимлар имзолади.

Йиғилишнинг яқунловчи қисмида Молия секторини ривожлантириш агентлиги раҳбарлари ҳамда "Асака" банки вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Кредит уюшмалари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 августдаги 348-Қарори билан амалга ошириш тасдиқланган Осиё тараққиёт банки иштирокидаги "Кичик ва ўрта микромолиялашни ривожлантириш" лойиҳаси доирасида субординар қарз олиши учун ҳужжатлар тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди.

Марказий банк вакиллари иштирокида Ўзбекистон кредит уюшмаларининг барқарорлигини ошириш ва ишончли фаолият кўрсатишини таъминлашга оид долзарб масалалар кўриб чиқилди, тегишли тавсиялар берилди.

Галина ЗАРЕЦКАЯ.

"МАДОР" КРЕДИТ УЮШМАСИГА ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви "Мадор" (Кўқон шаҳри) кредит уюшмасига фаолият кўрсатиши учун тегишли лицензия берди.

"Мадор" кредит уюшмасининг фақат пул маблағларидан ташкил топган устав фонди 10,6 млн. сўм миқдоридида шакллантирилди.

Кредит уюшмаси асосий йўналишини ўз аъзоларининг маблағларини депозитларга жалб қилиш орқали уларнинг тадбиркорлик лойиҳаларини молиявий ресурслар билан таъминлашга қаратади.

Ҳозирги пайтда республикада 28 та кредит уюшмаси бор.

Марказий банк Матбуот хизмати.

«Banklararo maslahat xizmati» kompaniyasi tomonidan 2006 йил 27 феврал ҳолатига ҳисобланган UZIBOR, UZIBID ва UZIAR

Table showing interest rates for various banks (Asaka, Kapitalbank, Galabank, etc.) across different terms (1 day, 1 week, 1 month, 2 months, 3 months, 6 months, 9 months, 12 months) for Offer and Bid rates.

Газета саҳифаланаётганда

ЯНГИ МАВСУМДАГИ ИЛК КЎРГАЗМА

Бугун пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўрғазмалар мажмуасида 7-Ўзбекистон халқаро қурилиш кўрғазмаси иш бошлади. «UzBuild 2006» да қурилиш ва интерьер, иситиш ва вентиляция маҳсулотлари намойиш этилади.

Мазкур кўрғазма ташкилотчилари бўлган ITE Uzbekistan ва ITE Group Plc (Буюк Британия) кўрғазма компаниялари мамлакатимизда шу кунга қадар 50 га яқин кўрғазмаларни ташкил қилган бўлиб, уларда жаҳоннинг 30 та давлатидаги 500 дан ортиқ компаниялар иштирок этган. Хусусан, ўтган 2005 йилда ITE Uzbekistan уюштирган кўрғазмаларга Буюк Британия, Германия, АҚШ, Россия, Италия, Корея, Туркия, Ҳиндистон, Украина ҳамда қўшни Қозғистон каби мамлакатлардан 75 мингдан ошиқ соҳа мутахассислар ва меҳмонлар ташриф буюрган.

Тадбир ташкилотчилари кўрғазма олдидан матбуот конференциясини ўтказди. Унда сўзга чиққан «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Эркин Акбаров, ITE Uzbekistan компанияси бош директори Нигора Ҳасанова ҳамда UzBuild лойиҳаси менежери Ирина Даниловалар журналистларга кўрғазмани ўтказишдан кўзланган мақсад ва қўтилаётган натижалар ҳақида сўзлаб бердилар.

UzBuild кенг қамровли кўрғазма бўлиб, у ҳар йили соҳа мутахассислари эътиборини қозониб келган. Кўрғазма ташкил этилганидан буён унда 200 дан ортиқ қурилиш компа-

нияси қатнашди. Айна пайтда улар республикаимизнинг қурилиш саноатининг равнак топишига хизмат қилмоқдалар.

Ўзбекистон қурилиш саноатидаги энг катта воқеа ҳисобланувчи UzBuild 2006 кўрғазмаси хорижий компаниялар маҳсулоти билан танишиш ва ўзаро тажриба алмашиш имконини ҳам беради. Таъкидланишича, мазкур кўрғазма қатнашчиларининг қарийб 70 фоизи хорижий компаниялардир. Улар орасида Австрия, Белгия, Буюк Британия, Германия, Россия, Хитой, Финландия, Чехия, Швеция каби 17 давлатдан келган соҳа етакчилари кўпчиликни ташкил этади.

UzBuild кўрғазмаси бир неча йўналишда иш олиб боради. Уларга қурилиш ва пардозлаш материаллари, иситиш, ҳавони алмаштириш ва совутиш тизимлари, қурилиш техникаси ва ускуналари, деразалар, эшиклар, витражлар, сантехника, керамика, пардоз тоши, лаклар ва бўёқлар, суюнчалар, ҳаммомлар ва ҳовузалар, электр ёритиш ускуналари, қоплаш материаллари, пол қопламалари, ойна ва фасадлар, интерьер ва дизайн ҳамда меъморчилик ва лойиҳалаш кабилар қиради.

Кўрғазма 4 мартга қадар давом этади.

Гулшан ЮСУПОВА.

2005 ЙИЛДА ЎЗРТХБДА 4,4 МИНГ ТОННАДАН КЎПРОҚ РАНГЛИ МЕТАЛЛ СОТИЛДИ

Ўзбекистон Республика товар-хон ашё биржасида (ЎЗРТХБ) рангли металллар сотиш ҳажми 2005 йилда 2004 йилдагига қараганда 31,5 фоиз кўпайиб, 13,976 млрд. сўмликни ташкил қилди, деб хабар берди ЎЗРТХБ ахборот-таҳлил бўлими.

Биржада рангли металлларни натурал ҳолда сотиш 9,73 фоиз кўпайиб, 4411 тоннага етди. Шу билан бирга, сотилган металлларнинг 90 фоизга яқини, 2004 йилда бўлганидек, мис ҳиссасига тўғри келди.

ЎЗРТХБда катод миснинг котиоровкалари 2005 йил мобайнида 57,7 фоиз, шу жумладан декабр ойида 5,99 фоиз ўсди ва 2006 йил 1 январга келиб, бир тоннасига 5,408 млн. сўмга, юмалоқланган мис котиоровкалари тегишли равишда 58,5 фоиз ва 5,85 фоиз ўсиб, тоннасига 5,611 млн. сўмга етди.

ЎЗРТХБда сотилган рангли металлларнинг деярли ҳаммаси дунё бўйича энг йирик кончилик ва қайта ишлаш комплексларидан бири бўлган Олмалик кон-металлургия комбинати ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, комбинат республикада қумушнинг тахминан 90 фоизини ва олтиннинг 20 фоизини ишлаб чиқармоқда.

2005 йилда Олмалик ҚМКда мис ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 110,9 фоизни ташкил этди, тайёр маҳсулот ҳажмининг 90 фоизи ўз хом ашёсидан ишлаб чиқарилган мисга тўғри келди. Қумуш ишлаб чиқариш 3,6 фоиз, олтин ишлаб чиқариш 3,9 фоиз ўсди.

Олмалик ҚМК маҳсулотини экспорт қилиш ҳажми 2005 йилда 2004 йилдагига қараганда 44 фоиз кўпайиб, 308,9 млн. сўмликни ташкил этди. Комбинат экспортга етказиб берган маҳсулот улшининг умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 60 фоизни, мис ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 91,8 фоизни ташкил қилди.

«Туркистон-пресс» НАО.

BAHAR AHBOROTNOMASI
АХБОРОТ—ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ
Тадбиркорликни ахборот билан қўллаб-қувватлаш «Заковат» ижтимоий жамғармаси

ТАҲРИР КЕНГАШИ:
Файзулла Муллажонов (Таҳрир Кенгашининг раиси),
Ашур Қодиров (Таҳрир Кенгашининг раис ўринбосари),
Равшан Охунов (Таҳрир Кенгашининг масъул котиби),
Раҳмон Каримов
Абдураҳмат Боймуротов
Баҳодир Хўжаев
Михаил Перпер
БОШ МУҲАРРИР Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:
«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ
АХБОРОТ ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИЛАР:
ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО,
«Иқтисодий ахборот агентлиги», «Бухоро-пресс» АА.
Реклама ва эълонлар учун 137-23-71 телефони орқали мурожаат қилинг.
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700000, Тошкент,
Пушкин кўчаси, 59-уй.
e-mail: bankingnews@tsht.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нуқтаи назари таҳририятнинг нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзалари масъулдир.
Таҳририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, «БА» да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат бериллади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайдди.
Ⓢ Материал тижорат асосида чоп этилмақда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида **137-гартиб рақами** билан рўйхатга олинган.
Буюртма № Г-503
Тираж 8513 нуска.
Босишга рухсат этилди
28.02.2006 й.

ПУЛ ЖЎНАТИШ ТИЗИМЛАРИ ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ ИШГА КИРИШДИ

Юнистрим пул жўнатиш тизими ташаббуси билан 2005 йил октябр ойида Лондон шаҳрида «Глобал истеъмол пул жўнатмалари» конференциясида IАМТN ассоциациясини тузиш ҳақидаги қарор қабул қилинган эди.

Ассоциация бутун дунёдаги пул жўнатмалари бозорининг етакчи иштирокчиларини бириктиради. Ҳозирги пайтда унга Western Union, Travelex, Юнистрим (Юниструм банкининг пул жўнатиш тизими), City Forex, Earthport, EuroGiro, Chequepoint ва Буюк Британия Пул жўнатмалари ассоциацияси, шунингдек бир қатор йирик банклар, шу жумладан Standart and Chartered Bank, Хитой Банки, Халқаро Балтия банки ва Ҳиндистон Банки кирган.

Глобал пул жўнатмалари бозорининг аҳамиятини ошириш, унинг янада жўшқин ривожланишини таъминлаш ва маблағлар «ҳалоллаб» олинишига биргалликда қаршилиқ кўрсатиш ассоциациянинг асосий вазифалари жумласига қиради.

Ягона халқаро ассоциация туриш зарурлиги пул жўнатмаларининг аҳамияти ўсиб бораётганлиги ва глобаллашаётганлиги муносабати билан бозорнинг профессионал иштирокчилари томонидан бир неча бор айtilган эди.

Биргина хусусий шахслар томонидан дунёнинг турли мамлакатларига ҳар йили жўнатилаётган маблағлар ҳажми жуда катта – 450 млрд. АҚШ доллари ташкил этаётганига қарамай, пул жўнатмалари бозори яқин вақтга етарли даражада баҳоланмас эди. Жаҳон банкининг охириги маърузаси эълон қилинганидан кейингина вазият ўзгарди. Ушбу маърузада пул жўнатмалари, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилли деб тан олинди.

Юниаструм банкининг президенти ва Юнистрим бошқаруви раиси Гагик Закарян IАМТN раиси бўлди.

ПОЧТА WESTERN UNION АГЕНТИГА АЙЛАНАДИ

Энг йирик халқаро пул жўнатмалари тизими Western Union «Почта Россия» билан ҳамкорлик қилишга қелишиб олганлигини маълум қилди. Шундай қилиб, вужудга келган альянс билан Россиянинг пул жўнатмалари бозоридан ҳеч ким рақобатлаша олмайди.

Расмий пресс-релизда Western Unionнинг «қизи» — «Вестерн Юнион ДП Восток» компанияси «Почта Россия» билан унинг тармоқларида ўз халқаро хизматларини кўрсатиш ҳақида битим имзолаганлиги айтилади. Шартномага кўра «Почта Россия»нинг деярли 2,5 мингта бўлимида Western Union тизими бўйича узоқ хориж мамлакатларига жўнатмаларни расмийлаштириш мумкин бўлади. Шу вақтга қадар «Почта Россия» бирорта ҳам пул жўнатиш тизими билан ҳамкорлик қилмасдан, ўзининг «Киберденги» тизимини ри-

вожлантириб келди. Western Union билан агентлик шартномаси бозорнинг барча иштирокчилари учун мутлақо қўшилмаган ҳодиса бўлди, чунки энди «сотиш нуқталарининг сони бўйича Россиянинг пул жўнатиш тизимлари Western Unionни қувиб етиши жуда қийин бўлади», - деб ҳисоблайди Имплэксбанк («Бистрая почта» пул жўнатиш тизими) савдони молиялаш ва банкларро алоқалар департаментининг директорининг ўринбосари Алексей Абрамецев. Ушбу шартнома имзоланганидан кейин Western Unionга хизмат кўрсатувчи Россия пунктларининг сони 6,5 мингтага етади, ҳолбуки Россиянинг қолган пул жўнатиш тизимларида бу рақам камдан-кам ҳолларда 2 мингдан ошади. Айни вақтда «Почта Россия» Western Union орқали узоқ хорижга чиқиш имконига эга бўлди ва, шу тариқа, вужудга келган альянс билан Россиянинг пул жўнатмалари бозоридан рақобатчилик қилиш жуда қийин бўлади.

VISA ЯНГИЛАНДИ

VISA компанияси охириги 20 йилда биринчи марта ребрэндинга қарор қилди ва кредит карталари ишлаб чиқарувчининг расмий слоганини алмаштиришини эълон қилди. «It's Everywhere You Want to Be» («Сиз қаерда бўлманг») ўрнига «Life takes Visa» («Ҳаёт VISAни қабул қилади») деган сўзлар пайдо бўлади.

Компаниянинг мақсадига кўра, янги слоган Visa карталари бўйича тўлов усули дунёда ҳаммадан кўп тарқалганлигини акс эттиради.

Янги реклама кампанияси Турин шаҳрида Олимпия ўйинлари очилган кунда бошланди ва бутун Олимпиада даврида давом этди. «Кўпгина одамлар Visanинг нимасидир янги эканлигини ўз кўзлари билан кўрадилар», - деб ҳисоблайди Visa USA вице-президенти Сюзанн Лионс. Visa аънанага кўра, футбол Суперкубогидаги рекламага сарфлайдиган пулни янги брэндни тарғиб қилишга йўналтирди. Ҳар йили Visa ушбу турнирда реклама берарди, лекин бу йил ундан воз кечди.

«Life takes Visa»ни Omnicom Group реклама компаниясининг мутахассислари таклиф қилишди. Слоган бундан бир неча йил аввал ўйлаб топилган, аммо фақат Лотин Америкаси мамлакатларидаги рекламадагина ишлатилиб келинаётган эди.

Экспертларнинг фикрича, ребрэндинг Visaга зарур эди, чунки унинг карталари жозибадорликда асосий рақиб бўлмиш Master Card карталаридан анча орқада эди. Master Cardнинг «Сотиб олиш мумкин бўлмаган нарсалар бор. Қолган нарсалар учун Master Card мавжуд» деган слогани «Сиз қаерда бўлманг» деган слоганга қараганда муваффақиятли эди.



Ахборот ва статистика бўлими томонидан чет эл матбуоти материаллари асосида тайёрланди.